

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОННИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИНИ СОДАДАЛАШТИРИШ, УНИНГ ШАФФОФЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ИШТИРОКЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯСИНИ КАФОЛАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказиладиган кундан **30 кун** олдин эълон қилинади; аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб аукцион жараёни якунига қадар иштирокчиларга **объектни сотиб олиш бўйича аукцион қадамини ақибдан баҳолаш имконияти** яратилади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно; аукцион ҳолиби тўловларни тўлашдан бош тортган тақдирда, ҳолиб ҳамда унинг тўғридан-тўғри таъсисчилари ҳисобланган шахслар **ноҳалол иштирокчи сифатида** электрон савдо платформасидаги **аукционлардан четлатилади**. Бунда тўловларни тўламаслик ҳолати биринчи марта содир этилганда **бир йил мuddатга**, иккинчи марта тақорланса **мuddатсиз даврга** аукционлардан **четлатилади**;

аукционга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотида шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда камда иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади.

Белгиланганини, мазкур тартиб қонунчилик ҳужжатлари билан электрон савдо платформаси орқали реализация қилиниши ёки ижарага берилиши белгиланган **барча турдаги активларга** нисбатан таътиқ этилади.

2. Электрон онлайн-аукцион **иштирокчилари ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш** мақсадида, белгилансинки:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб аукцион натижалари бўйича пул маблағлари Марказнинг махсус ҳисоб рақамига йиғилади ва аукцион ҳолиби томонидан **объект қабул қилинганлиги тасдиқлангандан сўнг, улар буюртмачи ҳисоб рақамига ўтказилади**;

ижро ҳужжатлари бўйича автоматотранспорт воситаларини реализация қилиш учун ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижалари ҳақидаги **баённома уни тақикдан ечиш, шунингдек, аукцион ҳолиби номига рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга қўйиш) учун асос ҳисобланади**. Бунда мажбурий тартибда ундирши учун юборилмаган маъмурий жарималарни тўлаш мажбурияти автоматотранспорт воситасининг собиқ эгаси зиммасида қолади;

электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибидан ташқари бўлган тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун аукцион натижалари тўғрисидаги **баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайд**.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қуйидагиларни электрон савдо платформасидаги **электрон онлайн-аукцион йўли билан амалга ошириш** ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фонднинг 50 фоиз ва ундан ортиги 50 фоиз ва ундан ортқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги

ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автоматотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини **реализация қилиш**;

давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автоматотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини **ижарага бериш**.

Белгилансинки, давлат иштирокидаги корхоналар **томонидан**: кўчмас мулкларини ижарага беришда, уларнинг давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, автоматотранспорт воситаларини ижарага беришда жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари миқдориди, бошқа асосий воситаларини ижарага беришда эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексиди белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдориди **бошланғич нархи** белгиланади;

кўчмас мулклари, автоматотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш ёки уларни ва улушини реализация қилиш ҳамда электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги маълумотлар **ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади**.

4. Давлат активларини бошқариш агентлиги Молия вазирлиги ҳамда давлат номидан акциядор (таъсисчи, мулкдор) вазифаларини амалга оширувчи бошқа вазирлик, идора ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда:

бир ой мuddатда давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органлари йиғилишларида уларга тегишли бўлган улушлар, кўчмас мулклар, автоматотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича **“йўл хариталари”ни тасдиқлаш ташаббуси** билан чиқсин;

икки ой мuddатда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушлари кўчмас мулклари, автоматотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалари уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича электрон савдо платформасидаги **электрон онлайн-аукционга чиқарилишини бошласин**.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан **автоматотранспорт воситаларини** электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан ижарага беришда **шартномаларни нотариял тасдиқлаш талаби бекор қилинсин**.

Бунда электрон онлайн-аукцион натижасига кўра расмийлаштирилган баённома **ижара шартномаси кучига эга бўлади**.

Адлия вазирлиги **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатлари орқали автоматотранспорт воситалари электрон савдо платформасидаги ижарага бериладган, шартномани нотариял тартибда тасдиқлаш талабини бекор қилиш бўйича тегишли ўзгартиришларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги “Қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4427-сон қарори билан Давлат хизматлари марказларида жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукционда иштирок этиш имкониятини яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида Марказнинг ҳудудлардаги 3 нафардан вакиллари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг зиммасига аукционга чиқарилаётган объектлар бўйича реклама ишларини ташкил этиш, аҳоли орасида аукционни оммалаштириш ҳамда унга чиқарилаётган объектлар юзасидан маълумотларни сифатли тайёрлашга кўмаклашиш вазифасини юклас;

Марказ ва унинг ҳудудлардаги вакиллари объектларни реклама қилиш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳузуриди Кадастр агентлиғига тегишли учувчисиз учини аппаратларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

“E-iro auktsion” ягона электрон савдо майдончасини “E-auksion” электрон савдо платформаси деб қайта номлаш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой мuddатда** Марказнинг ҳудудлардаги вакиллари фаолиятини Давлат хизматлари марказларида йўлга қўйиш ва уларни зарурий воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги: Марказнинг ташкилий тузилмасида **Ички аудит ва комплаенс-назорат хизмати** ташкил этилишини ҳамда унинг зиммасига аукционлари ташкил этиш ва ўтказишда коррупция аломатларини аниқлаш ҳамда уларни бартираф этиш, шунингдек, Марказ ходимлари орасида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифасининг юкялишини;

Марказнинг ҳудудлардаги вакилларини сақлаш харажатларини асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан қоплаб борилишини таъминласин.

8. Ер участкаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан реализация қилиш ёки ижарага бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ер участкаларини аукционга **инвестиция киритиш шартли билан чиқариш тартиби бекор қилинади**;

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуриди Кадастр агентлиги ер участкалари бўйича аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб барча иштирокчиларга **мазкур ер участкаларини олдиндан кўриш (кўздан кечириш) имкониятини** таъминлайди;

ер участкаси бўйича тегишли маълумотлар, шу жумладан, **фотосуратлар, унинг геолокация ва координаталари тўлиқ кўрсатилмаган** ҳолда аукционга чиқариш учун буюртма тақдим этилганда, у **камчиликларни бартираф этиш учун қайтарилади**.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Миллий телерадиокомпания билан биргаликда икки ҳафта мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин:

республика бўйлаб барча туман ва шаҳарларда аукционни тарғиб қилиш бўйича **семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш**;

теле- ва радиоканалларда ҳар куни аукционда иштирок этиш бўйича видео- ва аудиоловҳаларни бериб бориш, шунингдек, ушбу йўналишда **туркум кўрсатулар тайёрлаш** чораларини кўриш;

2021 йил 1 августга қадар электрон савдо платформасида аукционда **иштирок этувчилар сони**, шунингдек, **аукцион жараёнини онлайн режимда кузатиб боришни жорий этиш**;

2021 йил 1 октябрга қадар электрон савдо платформасининг **демо версиясини ишлаб чиқиш**, уни мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасида оммалаштириш;

б) Марказ билан биргаликда икки ой мuddатда ахборот технологиялари соҳасида етарли тажрибага эга бўлган ташкилотларни жалб этган ҳолда, электрон савдо платформасининг **янгиланган дастурий таъминотини** яратиш учун техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиб, тендер савдоларини эълон қилсин.

Бунда аукцион натижалари бўйича иштирокчиларнинг ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини (клиринг) юритувчи ахборот тизимини жорий қилиш назарда тутилсин;

в) Марказ билан биргаликда объектлар, шу жумладан, ер участкаларини электрон онлайн-аукционда сотиб олиб, қисқа мuddат давомида ундан фойдаланмаган ҳолда уларнинг олди-сотида билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни таҳлиллар асосида аниқлаб, савдолардан белгиланган тартибда четлатиш чораларини кўриб бурсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой мuddатда** мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, электрон савдо платформасида ташкил этиладиган электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларини **ягона тартибини**, шу жумладан, аукцион натижалари бўйича расмийлаштириладиган баённоманинг намунавий шаклини тасдиқласин.

Мазкур ягона тартибда ижро ҳужжатлари бўйича объектларни электрон онлайн-аукционга чиқариш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинсин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж.Ортиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2021 йил 24 июль	

□ Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Тошкент конференцияси — парламент нигоҳида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида жорий йилнинг 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида ўтказилган халқаро конференция якунлари кенг муҳокама қилинди.

Мазкур нуфузли анжуманининг пойтахтимизда ўтказилиши аҳолининг электрон оқиқ ҳисобланади. Зеро, бу бугун дунё турли таҳдидлар ва шунинг баробарида, янги глобал геосийёсий ўзгаришлар даврига қадам кўйган бир пайтда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш учун қўйилган улкан қадамдир.

Тошкент конференциянинг ўтказилиши сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёда нуфузи ва таъсири ортиб бораётганидан далolat беради. Чўчки конференция ишида давлатлар ва ҳукуматлар, ташки сийёсий идоралар раҳбарлари ҳамда кўплаб давлатлар парламентлари вакиллари иштирок этди.

Шу нуқтага назардан, мазкур анжуман кўшни ҳудудлар ва умуман, минтақамизда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар эшигини очди, Марказий Осиё ва бошқа минтақалар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратди. Зотан, Тошкент конференцияси халқаро майдонда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ифodalашга муҳим платформа яратишга хизмат қилди.

Мазкур халқаро анжуманда кўпгина сийёсий доиралар вакиллари қатори 15 мамлакат ташки ишлар вазири ва 7 та давлат парламентида делегациялар катнашди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев бош гоясини белгилаб берган, нафақат икки минтақа, балки бутун дунё мамлакатлари тараққиётда янги имкониятлар баён этилган йирик форумда Покистон Бош вазири ва Афғонистон Президентининг иштирок этиши унинг нуфузи нақадар юксак эканлигини кўрсатиб берди.

Таниқли сийёсатчилар ва экспертларнинг фикрича, халқаро конференция ўтмиш ва бугунги ришталарни боғлашга хизмат қилиши билан долзарбдир. Бинобарин, Тошкент анжумани жаҳон миқёсида Ўзбекистон ва унинг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг обрў-эътибори ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Бугун Ўзбекистон юксак минбарлардан туриб дунё айвонидаги мустаҳкам ташки

позицияси асосида башариятни ташвишга солаётган қатор муаммоларни ҳал этиш бўйича аниқ мақсадли ташаббусларни илгари сурмоқда. Масалан, БМТнинг 72-сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан бир нечта тақлифлар ўртага ташланди. Уларнинг ижроси юзасидан ҳозирги кунда 5 та резолюция қабул қилинган. Бу ҳолат БМТнинг 75 йиллик фаолиятида кам учрайдиган ҳодисадир.

Нуфузли, дея таъриф берилган Тошкент халқаро анжуманида нафақат геосийёсий, балки геоиқтисодий ва геоиқтисодий-лизиацияларга алоқадор ўта муҳим масалалар ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон кейинги йилларда халқаро миқёсда тинчликпарварлик, бағрикенглик ва ҳамдўстлик сийёсатини илгари сураётган республика сифатида дунё ҳамжамияти эътиборини мудом ўзига қаратаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан яхши кўшнчилик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, минтақани улкан тарихий-маданий ва ижтимоий-сийёсий потенциални юзага чиқариш йўлидаги ташаббускорлиги ва қатъий сайёҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилаётгани ҳам бунинг таъсидидир.

Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий алоқаларни тиклаш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қаратилган Тошкент конференцияси Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги янги стратегик қарашларини ўзиди акс эттирди. Қолаверса, кўп жиҳатдан ноёб бўлган ушбу форум янги ва долзарб, айни пайтда тарихий ва минтақалар давлатлари учун жуда фойдали ташаббус бўлди. Мажлисида шулар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқаро анжумандаги тарихий нутқи ва ундан келиб чиқувчи вазифалар ҳам қизган муҳокама қилинди.

Конференцияда, энг аввало, минтақавий таҳдидларга барҳам бериш, хусусан, Афғонистондаги беқарор вазиятни сийёсий мулоқот ва тинчлик йўли билан ҳал этиш, минтақа мамлакатлари билан иқтисодий-маданий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида уриг берилгани қайд этилди.

Давлат раҳбари ўз нутқида Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий яқинлик, уни бугунги кунда ўзаро ишонч ҳамда манфаатдорлик асосида мустаҳкамлаш бўйича бир қатор аниқ ва конструктив тақлифларни илгари сургани таъкидланди.

Қайд этилишича, тарихий нутқда Жанубий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни тиклаш Марказий Осиё давлатлари

учун иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим омилли экани, бу минтақа халқлари тинчлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлаш имконини яратиши илмий жиҳатдан чўқур исботлаб берилди.

“Бизнинг олдимизда Марказий ва Жанубий Осиё, умуман, бутун Евросийё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди”, дея таъкидлаб ўтди унда Президентимиз. Тошкент конференцияси эса Ўзбекистоннинг ушбу мақсадида эришиш учун муҳим замин яратди.

Мажлисида давлатимиз раҳбарининг нутқи кенг муҳокама қилинди ва илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқаришда депутатлар қорпуси ҳам фаол қатнашши, жойларда сайловчилар билан учрашувлар давомида ушбу фояларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан амалга оширилши зарур бўлган ишлар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва берилган тақлифлар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Қонунчилик палатаси томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси билан қандай ўзгаришлар кутиляпти?

Қуйи палата мажлисида қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, “Фавқуллода ҳолат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, қонун ташаббускорлари, масъул вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳининг бир нечта йиғилишлари ўтказилиб, уларда қонун лойиҳаси бўйича сийёсий партиялар фракциялари, депутатлар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинган ҳолда, лойиҳа маромига етказилди.

Лойиҳанинг 24-моддасида фавқуллода ҳолатнинг жорий этилиши инсонлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24, 25, 26-моддалари, 27-моддасининг биринчи қисми, 30, 31 ва 44-моддаларида белгиланган эркинликлар ва ҳуқуқларини чеклашга асос бўла олмаслиги кўрсатиб ўтилмоқда. Хусусан,

Бош қомусимизда белгиланган яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи каби инсоннинг қатор асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қандай ҳолатда ҳам чекланмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Халқ вакилларининг айтишича, мазкур қонун давлат бошқаруви тизими орқали самарали ва тезкор фавқуллода чораларини қўлашга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга имкон беради.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги кооперацияси соҳасидаги муносабатлар ягона қонунда акс этади

Бугунги кунда мамлакатимизда 2 464 та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиручи 105 та кооперация фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу соҳадаги ишларни янада кенгайтириш бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Негакки, айни вақтда кооперация муносабатлари 1991 йилда қабул қилинган “Кооперация тўғрисида”ги ҳамда 1998 йилда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Лекин уларда кооперацияларнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ даражада акс этирилмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган “Қишлоқ хўжалиги кооперацияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасида эса қишлоқ хўжалиги кооперациялари шакллари, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш механизмлари, бошқарув органларини ташкил этиш тартиби, кооперация мулкни шакллантириш манбалари белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг 3 март куни бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг мажлисида биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Утган давр мобайнида депутатлар томонидан қонун лойиҳасига 54 та ҳуқуқий ва 32 та тахририй тусдаги ўзгартиш киритилиб, янги модда асосида бойитилди.

Лойиҳада қишлоқ хўжалиги ва ҳудудларни ривожлантириш дастурлари асосида Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан кооперативларни ташкил этиш рағбатлантирилиши ва фаолияти қўллаб-қувватланиши, давлат органларига кооперативларнинг қонуний фаолиятига аралашмиш таққиқланиши, давлат органларининг ғай-

риқонуний ҳаракатлари оқибатида кооперативга етказилган зарар ушбу органлар томонидан қопланиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, захира ерлардан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ижара ҳуқуқи асосида кооперативга ер участкалари ажратиш шартлари белгилаб қўйилмоқда. Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини тартибга солувчи нормаларни ягона ҳужжатда муҷассамлаштириш, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ҳамда кластерлари фаолиятида янги босқинчи бошлаб беришда муҳим ўрин тутди.

Мажлисида депутатлар қишлоқ хўжалиги кооперацияси жараёнида юзага

«МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ: МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИК. ТАҲДИДЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ ЕХХТ ДОИМИЙ КЕНГАШИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Тадбирда Россия, Туркия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон дипломатик миссиялари раҳбарлари юқори даражадаги халқаро конференцияни қўллаб-қувватлаган ҳолда баёнотлар берди. Ийгилиш иштирокчилари Ўзбекистонга мазкур ташаббус учун миннатдорлик билдирди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг минтақавий ўзаро боғлиқлик

«САЙЛОВ — 2021» МОБИЛЬ ИЛОВА:

БАРЧА МАЪЛУМОТ ЭНДИ ДОИМ ЁНИНГИЗДА

Жорий йил октябрь ойида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқинлашгани сайин сайловчиларда сайловга оид турли саволлар келиб чиқиши ва маълумотлар билан танишишга талаб кучайиши табиий. Шу мақсадда сайловчиларга бўлажак сайлов ҳақида батафсил маълумотларни етказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси сайловчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш юзасидан бир қатор тадбирларни режалаштирган.



Дарҳақиқат, сайлов кампанияси даврида сайловчиларни Сайлов кодекси ҳақида, бўлажак сайловнинг Конституциявий асослари, сайловчининг ҳуқуқлари, сиёсий партиялар кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзодларнинг ишончли вакиллари ҳуқуқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва халқаро кузатувчилар ваколатлари, сайловларнинг умумийроф этилган халқаро демократик тамойиллари ҳақида тезкор маълумотларни қизиқтиради. Шунингдек, ҳар бир сайловчи ўзи овоз беришда иштирок этадиган сайлов участкасини билиши, сайловчилар рўйхатидан хабардор бўлиши, сайлов кунига қадар қарерда овоз бериши мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши зарур. Шунингдек, ҳар бир сайловчи ўзи овоз беришда иштирок этадиган сайлов участкасини билиши, сайловчилар рўйхатидан хабардор бўлиши, сайлов кунига қадар қарерда овоз бериши мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиши зарур.

Сайловчининг қизиқтирадиган барча саволга тезкорлик билан жавоб бериши ташкил қилиш, зарур адабийётлар, ўқув қўлланмалари, тест саволлари, сайловга оид маълумотлар ва ахборотлар билан таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ўз самарасини беради. Бугунги кунда интернет тармоғи орқали фойдаланувчиларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси бўйича турли қўлланмалар ва мобиль иловалар яратилаётир. Сайлов кампанияси даврида ҳам мобиль иловалардан фойдаланиш, сайловчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиши йўлга қўйиш Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурида кўзда тутилган. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси, "Project Managers" компанияси ва Тошкент шаҳридаги Инха

ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловчилар рўйхати билан ишлаш, овоз беришни ташкил қилиш, сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилишга оид мавзулардаги ўқув материаллари тақдиротлар, маъруза матнлари, инфографикалар, видео-дарслар шаклида тайёрланган. "Эслатмалар" рўйхати ҳам сайлов ташкилотчилари, сайлов комиссиялари, кузатувчилар, ваколатли вакиллар учун зарур услубий тавсиялардан иборат. "Сайлов қончилиги" рўйхати эса сайлов қончилиги оид ҳужжатлардан иборат. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Сайлов кодекси, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари жойлаштирилган. "Кутубхона" рўйхати эса сайлов қончилиги ва амалиётга оид адабийётлар, рисодалар, мақолалар жойлаштирилган бўлиб, сайлов кампанияси жараёнига оид миллий экспертлар ва ҳуқуқшунослар ҳамда халқаро мутахассисларнинг рисола ва адабийётлари жойлаштирилган. Яна бир саҳифа "Сайлов участкалари" деб номланган бўлиб, унда сайлов участкасининг сайлов участкасини топишига имконият яратилган. Бунинг қулайлиги шундаки, сайловчи участка сайлов комиссияси биносига бормасдан уйдан ёки иш жойидан туриб, ўзининг сайлов участкасини аниқлаши мумкин. "Масс-медиа" рўйхати эса "Эълонлар", "Инфографикалар", "Видеогалерея" саҳифалари жойлаштирилган. Бунда сайлов жараёнига оид турли ахборотлар маконига кирасиз. Инфографик материалларда сайлов жараёнига аналитик осширилиши яққол ифода этилган ранг-баранг тасвирлар мужассам.

Кейинги рўйхат "Тестлар" деб номланган. Сайлов қончилигини ўрганиш учун турли мавзуларда тест саволлари, қазуслар жойлаштирилган. Бу нафақат сайлов кампанияси ташкилотчилари, балки ҳар бир сайловчининг электорал маданиятини кўксатиришга қаратилган ўқув-услубий материаллардан иборат. Таълим муассасаларида ушбу маълумотлардан бемалол ўқув машғулотлари учун фойдаланиш мумкин. Телевидео каналларида эса турли қизиқарли эшиттириш ва кўрсатувлар сценарийлари тайёрлаш, савол жавоблар, викториналар ўтказиш учун етарли маълумотлар жойлаштирилган. Мухтасар айтганда, мобиль иловадаги ўқув материаллари ва тест саволларидан фойдаланиш фойдаланувчининг сайловга оид билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айни пайтда тайёр холга келтирилган мазкур мобиль илова тез кунлар ичида ҳаёон интернет тармоғига жойлаштирилади ва уни "Google Play" тизими орқали бепул юклаб олиш мумкин бўлади. Бўлиб ўтадиган Президент сайлови шу юртининг ҳар бир фуқароси учун муҳим сиёсий воқеадир. Сайловчининг мамлакатимиз келажиги ва равнақи йўлида тўғри қарор қабул қилиши учун сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган ҳолда фаоллик билан қатнашиши сайлов кампаниясининг муҳим шартидир.

Баҳоқирдон ЮНУСОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзоси.

ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Яқинда Хива туманида учта оилавий ва битта давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

Қулайлик



Бу эса мазкур таълим тури бўйича болалар камровини янада оширди. Маълумот учун айташ жоизки, туманда 3—7 ёшли болалар сони 13 минг нафардан зиёдни ташкил этади. Шундан қарийб 51 фоиз мактабгача таълимга қамраб олинган эди. Янги боғчалар очилиши билан қамров кўрсаткичи 52,9 фоизга етди. Туманининг "Дошёк" ва "Серчали" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Ақлвой" бекатлари ташкил этилди. Мобиль боғчалар ҳам худуддаги камровга сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳар бир маҳаллада қўшимча 48 нафардан бола-жонлар мактабгача таълимга жалб этиладиган бўлди.

Одилбек ОДАМБОВ «Халқ сўзи».

ЯНА БИР «AFROSIYOV» ПОЕЗДИ ТОШКЕНТГА КЕЛТИРИЛДИ

Испаниянинг "Patentes Talgo S.L.U." компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyov" янги поезде Тошкентга олиб келинди. Бу Ўзбекистонга келтирилган ушбу русумдаги бешинчи поезд ҳисобланади. Жорий йил якунига қадар яна битта шу турдаги юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд келтирилади.



«Халқ сўзи»

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ АЁВСИЗ КУРАШ ОЛИБ БОРИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Коррупция жамият тараққиётига ғов ҳисобланади. Шу боис ҳам кейинги йилларда юртимизда ушбу йиллатга қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги савий-ҳаракатларга янгича суръат бағишлади. Бугун коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашининг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Мушоҳада

Сийсатчилар таъкидлаганидек, ҳар қайси давлатда ислохотлар самарали амалга оширилиши унинг раҳбарининг сиёсий иродаси ва фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри эканлигини юртимизда кейинги 4-5 йилда коррупцияга қарши курашининг ҳуқуқий, институционал ва ташкилий асослари яратилаётгани мисолида ҳам кўриб туришимиз. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлиб келган илк кунлардан оқиб бу масалага жиддий эътибор қаратди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 2017 йилнинг 3 январида Президент томонидан имзоланди. Бу Қонун билан унинг асосий мақсади, тушунчалари ва принциплари, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда қатнашувчи орган ва ташкилотлар, бу борадаги таъкидотлар, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари каби муҳим масалалар белгилаб қўйилди. Мазкур Қонун қоидаларини амалга ошириш мақсадида 2017 йилнинг 2 февралда Президентимизнинг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Эътиборингиз, ушбу ҳужжат билан 2017-2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланди ҳамда унинг ижросини таъминлаш юзасидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди. Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони коррупцияга қарши курашишнинг иккинчи босқичини бошлаб берди.

жойлашишда коррупция ҳолатлари ҳамон сақланиб қоляпти. Шу сабабдан ҳам биз мақола аввалида тилга олиб ўтган Фармон Президентимиз томонидан қабул қилинди. У билан

Фармонда коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида илғор халқаро стандартларга асосланиб, унинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш вазифалари назарда тутилган. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги, "Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси"и, "Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида"ги, "Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида"и қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди. Дастур 5 бўлим, 44 банддан иборат бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш механизми ва қонунчилик тизимини такомиллаштириш, давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат органлари фаолияти оциқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-таъшиқ ишларини кучайтириш вазифалари ва чора-тадбирлари белгиланди. Фармонда коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида илғор халқаро стандартларга асосланиб, унинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш вазифалари назарда тутилган. "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги, "Давлат хизматчиларининг

одоб-ахлоқ кодекси", "Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида"ги, "Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир. Шунингдек, коррупцияга қарши қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг айрим нормаларини имплементация қилиш орқали Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддалар аниқ рўйхатини белгилаш,

шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Европа Иттифоқи доирасидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатлар гуруҳи (GRECO), Коррупцияга қарши курашиш идоралари халқаро ассоциацияси (IAACA) ташкилотларига аъзолик масаласи кўриб чиқилади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлини янада кенгайтириш мақсадида Европа Иттифоқи доирасидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатлар гуруҳи (GRECO), Коррупцияга қарши курашиш идоралари халқаро ассоциацияси (IAACA) ташкилотларига аъзолик масаласи кўриб чиқилади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлини янада кенгайтириш мақсадида Европа Иттифоқи доирасидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатлар гуруҳи (GRECO), Коррупцияга қарши курашиш идоралари халқаро ассоциацияси (IAACA) ташкилотларига аъзолик масаласи кўриб чиқилади.


Шунингдек, 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунини доирасида Антикоррупция ҳафталиги ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурда коррупция ҳақида тезкор хабар бериш имконини яратувчи "Call-марказ" ишга туширилади, ҳар ой ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп қилинадиган "Uzbekistan Anti-Corruption Digest" он-лайн журнали таъсис этилади ҳамда аҳолини "Очиқ бюджет" ва "E-anticor.uz" платформалари билан таништиришга қаратилган кенг қўламли тарғибот тадбирлари амалга оширилади. Умуман, Президентнинг ушбу Фармони коррупцияга қарши курашишга қаратилган яна қўллаб-қувватловчи вазифаларни қамраб олган бўлиб, бу ҳар бир фуқародан, хусусан, биз сенаторлардан ҳам катта куч ва масъулият талаб этади.

Ботир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

ИННОВАЦИЯ ҲОСИЛДОРЛИКНИ ИККИ БАРАВАР ОШИРАДИ

Бундан 5 — 10 йил аввал қўшработлик фермерлар катта-катта лалми ер майдонларида буғдой, арпа, нўхат, кунжут ва шу каби махсулотлар етиштирарди. Ёгингачилик яхши бўлган йилларда озми-кўпми даромад қилар, аммо аксарият ҳолларда қуроқчилик сабаб фойдадан кўра, кўпроқ зарар кўрарди.

Интилиш



Кейинги йилларда эса давлатимиз раҳбарининг соҳада амалга ошираётган туб ислохотлари самараси ўлароқ туман кишлук ҳўжалигида катта ўзгаришлар рўй берди. Бир пайтлар сувсизликдан қакраб ётган кенг далалар бугун яшилликка бурканган. Бу майдонда тоқзорлар, боғ-роғлар барпо этилди. Осмондан тушадиган ҳар бир ёмғир томчисининг қадрига етадиган қўшработликлар артезиан кудқ қазиб орқали ер остидан олинаётган сувни исроф қилмаслик учун томчиларди суғориш тизимидан фойдаланмоқда. Мен раҳбарлик қилиб келатган "Олтин Ниҳол" фермер ҳўжалиги 2020 йилда ташкил этилган. Ҳўжалигимизнинг умумий ер майдони 35 гектар бўлиб, ҳозирча 5 гектариди узумнинг "Сирлибой" нави парваришланмоқда. Бу узум нави қўшни қишлоқда яшовчи Сирлибой ака томонидан яратилган ва унинг номи билан аталади. Уни парваришда кўпроқ меҳнат талаб қилинади. Агротехника тадбирлари талаб даражасида бажарилса, яхши ҳосил беради. Масалан, гектаридан 35 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Бир бош узумнинг оғирлиги 0,5 кил로그램дан 7 кил로그램гача тош босади. Ҳўжалигимизга қарашли жами ер майдонининг 20 гектариди фақат шу нави узум етиштиришни режалаштирганмиз. 1 гектар ерга экилган тоқлар 2 йиллик бўлди ва ҳосил кўрсатка бошлади. Бу ердан ҳам узум оляпми, ҳам қаламча. Утган йили 10 минг донга қаламча олиб, томилратқди. Бу йил эса яна шунча қаламча олиб, тоқзоримизни кенгайтирадим. Соҳага илм ва инновацияни кенг жорий этиш орқали ҳосилдорлиқни икки баравар ошириш чораларини кўряпмиз. Даромад ҳам, ҳўғимиздаги ўзгаришлар ҳам шунга яраша.

Олтин НИҲОЛОВ, Қўшработ туманидаги «Олтин Ниҳол» фермер ҳўжалиги раҳбари.

СИЗ ҚАЧОН ЭМЛАНАСИЗ?

Хайрат деган туйғу башариятга тобора бегоналашиб бормоқда. Илгари тоғни кўрсак ҳам, боғни кўрсак ҳам оғзимиз ланг очилиб қолаверган. Чунки оламни шундай таниганмиз. Борлиқни шундай идрок этганмиз. Глобаллашув деган ғалати жараён шундан ҳам мосуво қилаётганга ўхшади бизни. Инновациялар асрида бир уюм темир-терсақдан гапирадиган робот ясаб беришса ҳам, ҳозир кўпчилик ажабланиб ўтиргани йўқ. Нега шундай? Чунки

Бугуннинг гапи

Ёлгонга бунча ўчмиз?

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг айнаи шу палларидида бугун дунё бир хушxabарни интиқ бўлиб кутаётганди. Хамманинг кўнглидан ўтган савол битта: вакцина қачон яратилди? Шундан бошқа илминимиз ҳам, умидимиз ҳам қолмаганди аслида. Лекин одам боласининг табиати қизиқ: на иссиққа чидайди, на совуққа...

Нихоят ўша интиқ кутилган вакцина яратилди ҳам. Муқобил турлари билан. Лекин яна гап-сўзлар, шубҳаю гумонлар уричди. Ижтимоий тармоқлар физку фасоднинг уюсига айланди. Фалон давлатники синовдан яхши ўтади, фалон мамлакатда вакцина тажрибаси муваффақиятсизликка учрайди, дегувчи башоратгўйлар пайдо бўлди.

Мана, энди-чи? Вакцина бору талабгор кам. Яқин-яқингача вирусни юктиришдан қанчалик чўчиган бўлсак, ҳозир вакцинанинг салбий таъсири эҳтимолидан шунчалик кўрқамиз. Тафаккур қилишга келганда онгимиз худди хотирасига вирус тушган компьютер сингари қотиб-қотиб ишлаётди...

Хаммамизга таниш бир ҳолатни айтиш: яқинда "Telegram" каналлари, ижтимоий тармоқларда бир нотавон чикиб "вакцина таркибидида аллага қандай чип бор экан, эмлансангиз, танангизга сингиб, онгингизни бошқаришларига имкон бериб қўясиз", дея айхохнос солди. Энг алам қиладиган жиҳати, орамизда ана шу уйдирмага чиппа-чин ишонадиганлар тоғлиди. Қаранг, онгимизни бошқаришларидан кўрқиб, гўёки оғоғлигимиз ошяпти-ю, охир-оқибат бир қаллобга идрокимиз жилловини ўзимиз қўшқўллаб тутқазиб қўймоқдамиз. Яна шундай уйдирмалардан бири: нима эмши, вакцина билан эмланган одам икки йилда жон таслим қилармикин... Табба! Бунча ёлгонга, ваҳимага ўч бўлмасак?!

Нотаниш бир кимсанинг гапи мутлақ ҳақиқат деб қабул қилинса-ю, бунга қарши Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ўзи расмий баёнот берса ҳам, шубҳа билан қарасак... Биз кимга ишонамиз ўзи, оғайнилар?

Биз нимани кутяпмиз?

Статистик маълумотларга таяниб, шу кунгача юртимизда коронавирусга қарши эмланганлар сони 1,1 миллион нафарга ҳам етмайди. Бу жами аҳрлимизнинг атиги 1,7 фоизига тенг кўрсаткич. Захирада эса 2 ярим миллион дона вакцина турибди. Кун кеча давлатимиз раҳбари Америкадан яна 3 миллион дона вакцина келтириляётганини айтиди. Булар четдан қараганда осон ишдек туюлиши мумкин. Бирок хазинамиз кўраётган зиён миллиардлар долларга тенг. Мақсад эса битта — бу балони эсон-омон даф қилиш.

Лекин шундай шароитда, шукр қилиш, халқимизни бу офатдан халос этиш ўрнига, одамлар ўртасига нифоқ солаётганлар борлиги ачинарлидир. Мана, бир неча ҳафта олдин Кубада

онгимизда маълумот кўп. Янгиликни, воқеликни идрок қилишимиз жадаллашган. Интернет том-том энциклопедияларда йўқ маълумотларни, рости ёлгон ахборотни бир зумда бизга муҳайё қилмоқда. Хўш, буларни айтишдан мурдао не?

Гап шундаки, ҳозирги синовили кунларда худди шу — идрок этиш хусусиятимиз пасайгандек. COVID-19 деган митти вирус тарқалди-ю, тутумларимизу инстинктларимизни ўзгартириб юборгандек... Тўғри, ҳозир бу хасталик — катта душманимиз. Аммо одамзодни махв этаётган бунданам хатарли ёв бор. Бу — ваҳима!

кунлик касалланиш кўрсаткичлари 7 минг кишига чикиб, рекорд қайд этилган, минглаб одамлар гурра-гурра кўчаларга чикишди. 30 йил ичидида энг йириги деб таърифланган ушбу норозилик намойишида аҳоли ҳукуматдан коронавирусга қарши вакциналар талаб қилди. Кўрпачи, Куба халқи вакцинага зор, давлат эса бу имкониятни муҳайё қилишга тўлиқ қодир эмас. ЖССТ бош директори маслаҳатчиси Брюс Эйлварднинг қайд этишича, ҳозирги кунда 30 — 40 мамлакатда аҳолини иккинчи босқичда эмлаш учун вакцина етиштирилди. Хусусан, бундай танқислик Жанубий Африка, Лотин Америкаси, Ўрта Шарқ давлатларида кўпроқ кузатиляётди. Баъзи давлатларда эса вакцина олиш учун аҳоли

Яқинда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вакциналар ва иммунопрофилактика бўлими бошлиғи Дилором Турсунова бу ҳақда жуда куйиниб гапирди. Унинг айтишича, ҳозирги кунда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ дунёдаги пандемик вазиятни барқарорлаштириш, унга қарши самарали курашишда вакцинадан кўра ишончлироқ восита йўқ. Тўғри, эмлангандан сўнг вирусни юктирмасликка 100 фоиз ишонч билан жавоб бериш мумкин. Бироқ айнан эмланган фуқаролар касаллик аломатларини энги ўтказарди. Таъкидлашимизча, "ZF-UZ-VAC2001" вакцинасини олганлар орасида вирусни юктириш ҳолатлари тахминан 0,004 фоизга тенг.

Шу кунгача жаҳон бўйича қарийб 3,79 миллиард доза вакцина қабул қилинган. Шундан асосий қисми Хитой ҳиссасига тўғри келади — 1 миллиард 510 миллион доза. Кейинги ўринларда Ҳиндистон (423 млн. 417 минг), АҚШ (339 млн. 760 минг), Бразилия (130 млн. 250 минг), Германия (қарийб 88 млн.), Буюк Британия (83 млн. 20 минг), Япония (салкам 74 млн.) турибди.

— Асосан, вакцинанинг 1-дозаси билан 2-дозаси оралиғида эмланган фуқароларда вирусни юктириш ҳолатлари кузатилади. Бироқ 3-дозани қабул қилган аҳоли ўртасида вирусга чалинганлар деярли қайд этилмади, — дейди Дилором Турсунова.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Амрилло Иноятгов эса эмланишдан кўрқиб, бу жараёндан бош тортаётганларга гапнинг индаллосини айтиди:

"Бугун Ўзбекистонда 13 турдаги касалликка қарши оммавий эмланади. Бу вакциналарни олмаслик ўлимга қайи келиши мумкин. Бу воситалар қанча, қанчи давлат томонидан яратилган, қанчалик эффект беради, деган саволлар берилмайди. Лекин коронавирусга қарши янги чора бўлиб турган вакциналар ҳақида турли асоссиз миш-мишларга одамларнинг ишониб қолаётгани ташвиш қиляпти."

Яна статистикага қайтамиз. Шу кунгача жаҳон бўйича қарийб 3,79 миллиард доза вакцина қабул қилинган. Шундан асосий қисми Хитой ҳиссасига тўғри келади — 1 миллиард 510 миллион доза. Кейинги ўринларда Ҳиндистон (423 млн. 417 минг), АҚШ (339 млн. 760 минг), Бразилия (130 млн. 250 минг), Германия (қарийб 88 млн.), Буюк Британия (83 млн. 20 минг), Япония (салкам 74 млн.) турибди. Франция, Туркия, Италия ҳам пешқадамлар сафиди. Ва худди шундай чоралар натижасида мазкур



давлатларда шиддат билан ўсаётган коронавирусга чалинмиш ҳолатлари борган сари камайишига эришилмоқда. Бу — факт!

Чеклов — ягона чора эмас

2020 йил — бутун дунё учун оғир келди. Пандемия "манаман" деган давлатлар иқтисодий-тинчи ҳам тиз чўктириб қўйганига хаммамиз гувоҳимиз. Ўзбекистонда ҳам бир йил аввал жуда қатъий чекловлар жорий этилганди. Кўплаб ташкилоту муассасалар эшигига қулф осилди. Бир корхона иши тўхтаса, қанча одам маошсиз қолади ахир? Бизда эса олди-берди, савдо-сотик учун чегаралар тақа-тақ ёпилди. Давлатимиз, ҳукуматимиз уйда ўтирган асосий аҳоли қатлами озиқ-овқатга, ош-нонга зориқиб қолмасин, деб муҳтожларни тўлиқ ҳимоясига олди. Яхши умид билан бизнес бошлаган тадбиркорлар "синиб қолмасин", дея кредитлар муддатини узайтирди, банкротликка тушиб қолишга чоралари кўриди. Аммо тажриба шуни кўрсатдики, чеклов — ягона чора эмас. Аксинча, бундай йўл тутиш мамлакатда иқтисодий инқирозни кучайтириб юборади.

Шу боис мутахассислар коронавирусни енгиш учун "домино эффекти"ни мисол қилиб келтирди. Занжир халқлари узиллишига қиёс этишди карантинни. Қондалар эса жуда оддий: масофа сақланг, тиббий ниқоб тақинг, тозалликка риоя этинг... Бор-йўғи шу! Аммо шунгача амал қила олмаганмиз.

Ҳозир пойтахт кўчаларида одамларимизни кузатиш. Кўпчилигида ниқоб йўқ. Борлари ҳам азбаройи жарима солишмасин, деб иягига тушириб олган. Лекин ижтимоий тармоқларга кирсангиз, ақл ўргатадиганлар кўп. Оммавий тадбирларни бутунлай чеклаш, одамларни аввалгидай уйга "камаш" тарафдорлари бор. "Ҳукумат қаяқ қараяпти?", "Нега чекловларни кучайтирмаймиз?" дея бонг ураётганлар кўпаймоқда.


Аммо бир ҳақли савол туғилади: саломатлигимизни, аввало, ўзимиз қадрламас эканмиз, мажбурий чекловлардан нима наф? Ёки аксинча, карантин билан боғлиқ таққирларни бутунлай олиб ташлаш керак, дегувчиларга ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси директори Ханс Клеппинг куйидаги сўзларини эслатмоқчимиз.

— Пандемия бизнинг руҳиятимизга ва саломатлигимизга зарар етказди, — дейди у. — Шу боис одамлар куйин даврдан кейин дам олишни хошлаши табиий. Бироқ биз ўтган йилнинг ёзида шундай ҳолатни бошдан ўтказганимизни унутмаслигимиз керак. Чекловлар тезда олиб ташлангандан кейин минтақда янги ҳолатлар ва ўлимлар сони жуда тез ўсди. Натижада бу ҳолат яна чекловларга қайтишга мажбур қилган эди.

Яъни мутахассис тавсияси шундай: пандемия ҳали туғгани йўқ. Шунинг учун коронавирус туфайли жорий этилган чекловларни тезда бекор қилишга шояммаслик зарур.

Нима демоқчимиз бу билан? Айтмоқчимизки, ўзимизни эҳтиёт қилишимиз шарт. Давлатимизга эса ҳозир биздан мадад керак. Мадад шуки, коронавирусга қарши курашишда ақи-идрокимиз, маънавиятимиз ва тарбиямизга мос иш тутайлик. Вакцина олишни пайсалга солмайлик!

Фаррух БЎТАЕВ, журналист.



ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

ҲАЯЖОННИ ЕНГИШ КЕРАК...

Биринчи кундаёқ тўққиз нафар спортчимиз медаллар учун курашдан чикиб кетди.

Кеча Япониянинг Токио шаҳрида XXXII ёғи Олимпия уйинларига старт берилди. Мусобақанинг дастлабки кунини 11 нафар спортчимиз бахсларга киришди. Афсуски, улардан тўққиз нафари медаллар учун курашиш имкониятини бой берди.

Ҳамюртларимиз орасида биринчи бўлиб вакилимиз Мухтасар Тоҳирова (ўқ отиш) беллашувларга киришди. Дунёнинг энг кучли 50 нафар мергани орасида Мухтасар 33-ўринни эгаллади.

Ушбу йўналишда хитойлик Цян Янг 251,8 очко жамғариб, Олимпияда рекордини янгилаган ҳолда олтин медални қўлга киритди. Иккинчи ўрин россиялик Анастасия Галашина (251,1) ва учинчи поғона швейцариялик Нина Кристенга (230,6) насиб этди.

Шундан сўнг бир йўла икки нафар қилчбозимиз илк уринишдаёқ Токио Олимпиядаси билан хайрлашди. Шерзод Мамутов руминиялик Юлиан Теодосиуға қарши кечган бахсда 11:15 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, унинг жамоадоси Малика Хақимова хитойлик Ювен Сунга 10:15 ҳисобида ютқазиб қўйди.



Ушбу муваффақиятсизликларни боксчимиз Шаҳноза Юнусова ҳам давом эттирди. У илк босқичда польшаллик рақибасига 0:5 ҳисобида имкониятни бой берди. Шаҳнозадан кейин рингга кўтарилган боксчимиз Санжар Турсунов ҳам мусобақа билан хайрлашди. - 91 кг. вазн тоифасида беллашувларда қатнашган ҳамюртимиз жазоирлик Абделхалиф Бенчаблага имкониятни бой берди — 1:4.

Дзюдочимиз Шарофиддин Лутфиллаев (-60 кг.) эса украинлик Артём Лесюкдан мағлубиятга учраб, медаллар учун курашдан чикиб кетди. Ушбу вазн тоифасида япониялик Наохиса Такато олтин, Хитой Тайпейи вакили Ян Юн Вэй кумуш, Лука Мхеидзе (Франция) ва Елдос Сметов (Қозғистон) бронза медалларни қўлга киритди.

Теннисчимиз Денис Истомин ҳам биринчи даврадаёқ XXXII ёғи Олимпия уйинларини тарк этди. У хиндистонлик Сумит Нагалга имкониятни бой бериб қўйди.

Велоспортчимиз Муроджон Холмуродов шоссе йўналиши бўйича 234 км. масофага ўтказилган поғидада ўз омадини синаб кўрди. У 132 нафар спортчи орасида 64-ўринни қайд этди. Ушбу йўналишда эквадорлик Ричард Карапаз олтин, белгиялик Вугт ван Арт кумуш, словениялик Таетей Погачар бронза медални қўлга киритди.

Кечаги бахслардаги ижобий натижалардан бири — академик эшакка эшиш бахсларида ҳамюртларимиз Собиржон Сафаралиев ва Шаҳбоз Холмурзаев жуфтлиги 2000 метрлик поғидада 6 та терма жамоа орасида 4-натижани қайд этиб, кейинги босқичга йўл олгани бўлди.

Спорт гимнастикаси бўйича иштирок этган вакилимиз Расулжон Абдурахимов ҳам "Токио — 2020" доирасида иштирокини якунлади. Ҳамюртимиз кўпкураш бахсларида саралаш босқичида иштирок этди. Якунда гимнастикачимиз мусобақани 49-ўрин билан тугатди.

Маълумот учун айтиб ўтамиз, XXXII ёғи Олимпия уйинларида Ватанимиз шарафини 177 спорт турида 71 нафар вакилимиз ҳимоя қилаётган эди.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОЙ ТАШАББУСЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Юртимизда эзу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш эътибор марказида бўлиб келмоқда. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кўмиталари томонидан ўтказиладиган кўрик-танловлар тўғрисида"ги қарори билан ҳар йили "Энг яхши ижтимоий ташаббус" республика кўрик-танловини ташкил этиш белгилангани бунга яққол далилдир.

Эътибор

Кўрик-танловда ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлашда юқори натижага эришган, жамият ривожини учун ташаббус кўрсатаётган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ёшларни касб-хунарга ўргатиш, улар бандлигини таъминлаш, ижтимоий соҳа муассасалари инфратузилмасини яхшилашда фаол иштирок этган туман (шаҳар) ҳокимликлари, давлат бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Кўрик-танловнинг муддати ва уни ўтказиш Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент ша-

ҳар Кенгаши билан келишилган ҳолда эълон қилинади. Низоом талабига кўра, танловни ўтказиш муддатлари белгиланган, бу ҳақидаги эълон туман (шаҳар) ҳокимликлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари биноларининг ҳамма танишиб қилиши учун қулай бўлган жойларига илиб қўйилади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Танлов ўтказишдан кўзланган асосий мақсад куйидагилардан иборат:

- худудларда ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ижтимоий ташаббускорликни ривожлантириш;
- бундай ташаббуслар орқали

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш;

- шу ташаббуслар ёрдамида худуддаги ижтимоий соҳа муассасалари инфратузилмасини яхшилаш;
- юртимизда ижтимоий ташаббускорликка эришиш масалаларига жамоатчилик эътиборини кенг жалб этиш;
- иштирокчиларнинг илғор тажрибасини аниқлаш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш.

Танлов уч босқичда ўтказилишини ҳам айтиш зарур. Яъни июль-август ойларида туман (шаҳар), сентябрь-октябрь ойларида вилоят, ноябрда эса республика босқичи бўлиб ўтади.

Танлов куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- "Энг яхши ижтимоий ташаббускор давлат бошқаруви органи",
- "Энг яхши ижтимоий ташаббускор нодавлат нотижорат ташкилоти",
- "Энг яхши ижтимоий ташаббускор тадбиркорлик субъекти",
- "Энг яхши ижтимоий ташаббускор фуқаро",
- "Энг яхши ижтимоий ташаббускор ҳокимлик" (иккинчи босқичда).

Ҳозирги пайтда нуфузли тадбирни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун жойларда қизғин тадорик қўриляпти. Аввало, биринчи босқични уюштириш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутатлари билан иборат ишчи гуруҳлар тузилмоқда.

Ишчи гуруҳлар ҳар бир номинация бўйича 5 тагача энг яхши ижтимоий ташаббус кўрсатанлар ҳақидаги маълумотларни халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши котибиятларига тақдим этади. Номзодлар ҳужжатлари Кенгаш томонидан кўриб чиқилиб, туман босқичи қолиби аниқланади. Туман Кенгаши қолиблари ҳақидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, вилоятлар Кенгаши котибиятларига тақдим этилади. Улар эса иштирокчиларнинг ҳужжатларини ва улар ҳақидаги беш

дақиқадан ошмаган видеолархани Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашига киритади. Шу тариқа иккинчи босқич қолиблари аниқланади.

Иккинчи босқичда қолиб деб топилган биттадан номзод ҳақидаги маълумотлар кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Республика комиссиясига юборилади. Республика комиссияси заруратга қараб тақдим этилган маълумотларни жойига чиққан ҳолда ўрганади.

Танловнинг республика босқичида ҳар бир номинация бўйича 14 тадан иштирокчи ижтимоий ташаббус доирасидаги фаолиятини кўргазмали тарзда ҳимоя қилади.

Республика комиссияси томонидан қолиблар аниқланади ва улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Шу ўринда Олий Мажлис Сенати томонидан ташкил этилаётган ушбу кўрик-танлов ҳақида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Негаки, унда қанча кўп номзод қатнашса, яъни ижтимоий ташаббус кўрсатадиган юрдошларимиз қанчалик кўпайса, нур устига нур. Шу маънода, сенаторларни мазкур жараёнда фаоллик кўрсатишга чақириб қоламиз.

Одиджон ИМИНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-55-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сизифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маириббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6